

**Qobil T. ZOKHIDOV,**

*Director of Yangi Asr University.*

*Candidate of historical sciences, associate professor.*

*A.Kadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.*

*E-mail: rektor@yangiasr.uz*

**DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2023-3/8**

**АРАБ-МУСУЛМОН ДАВЛАТ  
БОШҚАРУВИДА ПОЙТАХТ МАСАЛАСИ**

**THE ISSUE OF THE CAPITAL IN THE  
ADMINISTRATION OF THE ARAB-  
MUSLIM STATE**

**ВОПРОС КАПИТАЛА В УПРАВЛЕНИИ  
АРАБО-МУСУЛЬМАНСКИМ  
ГОСУДАРСТВОМ**

**KIRISH**

Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) 13 йил давомида Макка шаҳрида ислом динига даъват олиб борган даврда Макка Арабистон ярим оролидаги йирик савдо марказларидан бири эди. Макка шаҳри ўз даврининг йирик империялари Византия, Эрон ва Хабашистоннинг диққат марказида эди. Ушбу салтанатларнинг шаҳарга нисбатан катта қизиқиши асосан савдо алоқаларни назардан кочирмаслик эди. Византия императорларини асосан Шарқдан келадиган солиқлар қизиқтирса, форслар савдо алоқаларини ўз назоратларидан кочирмасликка ҳаракат қилар эдилар. Улар куруқликдан келадиган Хитой ва Ҳиндистон, ҳамда Форс кўрфази орқали денгиз йўлларини Ҳиндистон ва Цейлондан келадиган карвонларни кузатар эдилар. Тадқиқотчи У.М.Уоттнинг фикрича, форсийлар Византияликларга тинчлик пайтида ипак матоларни ва зиравор ҳамда дориворларни қиммат сотардилар. Уруш пайтида эса савдони умуман тўхтатар эдилар (Уотт У. М., 2006:28).

Яманнинг хабашистонликлар томонидан босиб олиниши, маккаликлар учун яна бир савдо нуқтасини очди. Таъкидланганидек, йирик салтанатлар билан сиёсий, иқтисодий сулҳ тузишга муваффақ бўлган Макка зодагонлари турли ҳудудларга савдо карвонлари юбора бошладилар.

Абд Манофнинг тўрт фарзанди Абд Шамс – Ҳабашистон, Ҳошим – Сурия, Мутғалиб – Яман ва Науфал эса Ироқ билан иқтисодий ва сиёсий

алоқаларни кучайтирар эди. Кейинчалик Махзум Жанубий Арабистон билан савдо алоқаларига бош бўлди (Уотт У. М., 2006:30).

Макканинг иқтисодий юксалишида диний омил, яъни Каъба зиёратгоҳи асосий рол ўйнади. Чунки, Яман ҳукмдори Абраҳа Аршам Яманда черков кургани ва Каъбани бузиш учун Маккага филлардан ташкил топган кўшин билан бостириб келишидан асосий мақсад, диний марказни Арабистон ярим оролининг Жанубига кўчириш эди. Бундан кўриниб турибдики, иқтисодий ва диний омил қоришиб кетган. Масаланинг иккинчи томони эса, қурайшийларнинг Ямандан сотиб олинган товарларни катта устама ҳаққи эвазига кўчманчи арабларга ва Шом ҳудудларига сотиш (Уотт У. М., 2006:30) яманликларни анча ранжитган кўринади.

**АСОСИЙ ҚИСМ**

Макканинг ижтимоий-сиёсий ҳолатини қабиаларнинг улуғлари бошқарар эдилар. Бадавий араблар кўплаб қабила ва уруғларга бўлиниб яшардилар. Қабиалараро урушлар асрлар аро тинчимас эди. Профессор А.Ҳасановнинг фикрича, типологик жиҳатдан Макканинг идора усулини қадимги Афинадаги республика тизими билан киёслаш мумкин. Қадимги Афинада ҳам дастлаб асосий ролни бир қанча эътиборли уруғлар филия ва фратриялар бошлиқларидан ташкил топган аристократия ўйнаган. Аммо судхўрларнинг қудратига барҳам берилгач, етакчилик халқ мажлиси – “эқклесия” кўлига ўтгач, барча амалдорлар, ҳатто энг йириклари – архонтлар ва стратеглар ҳам эқклесия томонидан тайинланган ва унинг олдида ҳисобот берган. Маккада ҳам V-VI асрларда етакчи бўлган “Оқсоқоллар кенгаши” (“Мало”) “Дор ан-надва”да жойлашган ва шаҳар бошқаруви тўлалигича унинг кўлида бўлган эди. Фарқ шуки, Афина халқ мажлисида овоз беришда бутун демос, яъни барча эркин аҳоли қатнашган бўлса, Макка Дор ан-надвасида фақат Мало – зодагонлар, қабила ва уруғ бошлиқлари қатнашганлар (Ҳасанов А. 1992:18).

Албатта, Макка шаҳар-давлатининг идораси низоларсиз, сип-силлиқ кечгани йўқ. Қусай вафотидан кейин Макка уруғлари икки лагерга бўлинди: Абд Маноф ва Абд ад-Дор тарафдорлари. Абд Маноф ва унинг авлодларини Асад, Зуҳра, Тайм, Ҳорис уруғлари кўллаб-қувватлаган бўлса, Абд ад-Дор уруғига Махзум,

**Аннотация.** Ушбу мақолада Қурайи қабиласи уруғларининг силсиласи, уларнинг Маккада тутган ўрни, Макканинг Арабистон яриморалининг диний маркази бўлиши билан бирга, унинг геосиёсий ҳаётида тутган ўрни, унинг сиёсий, иқтисодий тузуми, Қурайининг Византия ва Эрон империялари билан иқтисодий алоқалари, Муҳаммад пайгамбар, рошид халифалар, умавийлар, аббосийлар ва фотимийлар сулолалари учун пойтахт вазифасини ўтаган шаҳарлар ҳақида сўз боради.

Шунингдек, аббосийлар даврида ўзларини мустақил давлат ҳисобида кўрган фотимийлар, тулунийлар, ихшидийлар, мамлюклар ва бошқа бир қанча сулолалар учун пойтахт бўлган шаҳарларнинг барпо бўлиши тадқиқ этилади. Ислом дини марказининг Макка шаҳридан Мадинага кўчиши сабаблари, Ҳабашистон, Макка фатҳи, Куфа ва Дамашқ можаролари, Карбало фожеаси натижасида Ҳижознинг умавийлар сулоласидан ажратиб олиниши, яъни ислом тарихидаги ilk фитнанинг юзага келиши ва бартараф этилиши, ўралган шаҳар Бағдодга асос солиниши, Самарронинг қурилиши, аббосийлар таназзули оқибатида пойтахтни Қоҳирага кўчиши, Европада Андалусия ҳудудига ислом кириб бориши оқибатида Кордова халифалигининг барпо бўлиши, Фустот шаҳри ўрнига Қоҳира шаҳрининг қурилиши ва фотимийлар сулоласи учун пойтахт вазифасини ўтагани таҳлил қилинган.

Яман ҳукмдори Абраҳа Аршам Ҳабашийнинг Маккага бостириб келиши воқеаси, унинг негиздаги динийдан кўра кўпроқ сиёсий ва иқтисодий сабаблари ҳақида тўхталиб ўтилган.

**Калим сўзлар:** Макка, Мадина, Дамашқ, Қоҳира, Андалусия, Қурайи, Қурайи ал-битаҳ, Қурайи аз-завахир, Абраҳа, ал-хулафо ар-рошидун, умавийлар, аббосийлар, фотимийлар, ихшидийлар, тулунийлар, мамлюклар.

**Abstract.** The article provides information about the series of clans of the Quraysh tribe, their position in Mecca, the process of Mecca becoming the religious center of the Arabian Peninsula, its role in its geopolitical life, political and economic system, the economic relations of the Quraish with the Byzantine and Iranian empires, and the cities that served as capitals for the Prophet Muhammad, the Rashid Caliphs, the Umayyads, the Abbasids, and Fatimid dynasties.

Also, during the Abbasid era, the establishment of cities that were the capitals of the Fatimids, Tulunids, Ikhshidis, Mamluks, and several other dynasties, which saw themselves as an independent state, was studied.

The following issues are also analyzed in the article: the reasons for the migration of the center of Islam from Mecca to Medina, Abyssinia, the conquest of Mecca, the conflicts of Kufa and Damascus, the separation of Hijaz from the Umayyad dynasty as a result of the Karbala tragedy, that is, the emergence and elimination of the first fitnah in the history of Islam, the foundation of the city of Baghdad, the construction of Samarra, the transfer of the capital to Cairo due to the decline of the Abbasids, the establishment of the Caliphate of Córdoba due to the penetration of Islam into Andalusia in Europe, the construction of the city of Cairo instead of the city of Fustat, and the fact that it served as the capital for the Fatimid dynasty.

The political, economic, and religious reasons for the migration of Muslims to Madinah and the place of this migration in the history of Islam, the ethnic composition of the inhabitants of Madinah, their occupations, and the relationship of the native population with the immigrants are explained on the basis of clear evidence.

The story of the invasion of Mecca by the ruler of Yemen, Abraha Arsham al-Habashi, and its political and economic reasons rather than religious ones were also discussed.

**Keywords:** Mecca, Medina, Damascus, Cairo, Andalusia, Quraysh, Quraysh al-Bitah, Quraysh al-Zawahir, Abraha, al-Khulafa ar-Rashidun, Umayyads, Abbasids, Fatimids, Ikhshidis, Tulunids, Mamluks.

**Аннотация.** В данной статье рассматривается ряд кланов племени курайшитов, их место в Мекке, Мекка как религиозный центр Аравийского полуострова, ее роль в геополитической жизни, ее политический и экономический строй, экономические отношения курайшитов с Византийской и Иранской империями, города, служившие столицами для пророка Мухаммада, праведных халифов, для династий уммавитов, аббасидов и фатимидов.

Изучается строительство городов в эпоху аббасидов, которые были гордостью фатимидов, тулунидов, ихшидитов, мамлюков и ряда других племён, позиционировавших себя независимым государством. Также в статье говорится о причинах перемещения центра ислама из Мекки в Медину, Абиссинию, завоевании Мекки, конфликтах Куфы и Дамаска, об отделении Хиджаза от династии Омейядов в результате Кербелской трагедии, то есть о возникновении и ликвидации первого заговора в истории ислама, об основании города-крепости Багдада, строительстве Самарры, упадок Аббасидов. В результате произошел перенос столицы в Каир, создание Кордовского халифата в результате проникновения ислама в Андалусию в Европе, строительство города Каира вместо города Фустот и освещается тот факт, что он служил столицей династии фатимидов.

Отмечаются, что история вторжения в Мекку правителя Йемена Абраха Аршама Хабаши имеет в основе более политические и экономические причины, нежели религиозные.

**Ключевые слова:** Мекка, Мадина, Дамаск, Каир, Андалусия, Курайи, Курайи ал-битах, Курайи аз-завахир, Абраха, Ал-хулафа ар-рашидун, омейяды, аббасиды, фатимиды, ихшиды, тулуниды, мамлюки.

Саҳм, Жумаҳ, Оди уруғлари қўшилди. Ҳар иккала томон алоҳида иттифоқ – Абд Маноф тарафдорлари “Хилф ал-мутаййибин”<sup>1</sup>, Абд ад-Дор эса “Ахлоф”<sup>2</sup>ни туздилар (Ҳасанов А., 1992:148–149).

Аммо, юқоридаги иттифоқлар Макка шаҳар-давлатини ташқи душман хавфидан ҳимоя қила олмади. Маккада бир томондан Қурайш ва Кинона қабиласи, бошқа томондан Қайс ва Илон қабилалари ўртасида “ал-Фужжор<sup>3</sup> уруши” бўлиб ўтди (Ибн Ҳишом., (1993:176).

Маккадаги ички тартибсизликлар ва ташқи думан хавфи шаҳар иқтисодий ҳаётига ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Карвонлар ва савдогарларнинг эркин савдо қилишлари учун қулай шароит ва ички тартиб-интизом асосий рол ўйнайди. “Макка шаҳрида ички савдони ривожлантириш, бу ерга келган савдогарларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида яна бир иттифоқ – “Хилф ал-фузул”<sup>4</sup> тузилди” (Ҳасанов А., 2001:149).

Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) тарғиб қилган якка худолик ақидасига асосланган дини Макка қурайшийлари орасида кескин қаршиликка учради. Бобоси Абд ал-Мутталибнинг вафотидан кейин амакиси Абу Толиб унга васийлик қила бошлади. Қурайшийлар Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) илк даврда Каъба ичига кириб намоз ўқиб, аҳолини исломга даъват қилишига қаршилик қилмадилар. Макка зодагонларининг Пайғамбар (с.а.в.) ва унинг тарафдорларига қаршилиги соф тавҳид ғоясига мувофиқ келмайдиган санамларга сиғинишдан батамом воз кечишга даъват қила бошлагандан кейин юз берди. Пайғамбар (с.а.в.) нинг бу ҳаракатини қурайшийлар ўз ота-боболари сиғиниб келган бут-санамларга қарши кураш, деб тушундилар. Пайғамбар (с.а.в.)нинг бу “чегарадан” ўтиши оқибатида унинг тарғиботига

<sup>1</sup> “حلف المطيبين” – Муаттар кимса иттифоқи. Бир идишдаги хушбўй моддага қўлни ботириб, сўнг Каъба деворига суртганлар.

<sup>2</sup> “الاحلاف” – Қасам ичганлар. Сўйган қурбонликларининг қонига қўлларини ботириб, Каъба деворига суртганлар.

<sup>3</sup> “حرب الفجار” – Гуноҳкорлар уруши. Урушнинг “ал-Фужжор” деб аталишига уруш ҳаром қилинган ойларида Маккада бўлиб ўтганига далолатдир.

<sup>4</sup> “حلف الفضول” ал-фужжор уруши тугагандан кейин Қурайш қабиласи уруғлари Бану Ҳошим, бану ал-Муттолиб, бану Асад, бану Зухра ва бану Тайм ўзаро дўстлик ва бирдамлик иттифоқини туздилар. Бу иттифоқнинг тузилишига Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) гувоҳ бўлган.

қаршилик қила бошладилар (Ҳасанов А., 2001:211).

Тавҳид ғоясига асосланган Ислом тарғиботи қурайш зодагонларининг илдизига болта уриш билан баробар эди. Чунки уларнинг бутун Арабистон ярим ороли қабилалари устидан гегемонлиги заминида биринчи навбатда кўп-худолик ётар эди (Ҳасанов А., 2001:211).

Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) ўз тарафдорларининг эркин ҳаёт кечиришлари учун Маккадан узокроқдан жой излай бошлади. Аҳолиси ва давлат раҳбари христиан динига эътикод қилувчи Ҳабашистонга икки мартаба хижрат қилинди.

Ҳабашистонга икки марта хижрат бўлишига сабаб, аввало биринчи хижратда (615 й.) 11 эркак ва 4 аёл хижрат қилган эди. Маккада Умар ибн Хаттоб ва Ҳамза ибн Абд ал-Мутталибни исломни қабул қилганини эшитган муҳожирлар Макка аҳли исломни қабул қила бошлабдилар деган фикр билан ўз уйларига қайтганлар.

Аммо, вазиятнинг мусулмонлар учун янада кескинлашганини кўриб, қайтадан Ҳабашистонга қайтганлар. Иккинчи хижратда эса (616 й.) 80 дан ортиқ эркак ва 18 аёл хижрат қилганлар (Ҳасан Иброҳим Ҳасан, 1996:218–256). Ҳабашистон негусининг маккалик муҳожирларни ўз ҳимоясига олиши, ўша даврда ҳам “сиёсий бошпана” тушунчаси мавжуд эканидан далолат беради.

Маккада қолган бошқа мусулмонлар эса, хижрат қилганларга қараганда анча мушкул аҳволда яшардилар. Чунки, қурайш қабиласи Абу Толиб бошлиқ бану Абд ал-Муттолиб уруғини Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)нинг ўз ҳимоясига олгани сабабли, унга иқтисодий ва сиёсий чеклов<sup>5</sup> (бойкот) эълон қилиб, ўзаро битим туздилар (Ибн Ҳишом. 1993:262).

619 йили Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)ни ўз паноҳига олган Абу Толиб саксон ёшида вафот этади. Абу Толибдан кейин унинг укаси Абд ал-Узза ибн Абд ал-Муттолиб (Абу Лаҳаб<sup>6</sup>, ваф. 2/624 й.) ўз ҳимоясига олди. Аммо, қурайшийлар унга Пайғамбар (с.а.в.)ни ўз

<sup>5</sup> Шартномада бану Ҳошим уруғининг бану Абд ал-Муттолиб қавми билан бошқа қабил ва уруғлар куда бўлмаслик, уларга озиқ-овқат маҳсулотлар сотмаслик ва улардан бирон нима сотиб олмаслик шартлари қўйилган эди.

<sup>6</sup> Абу Лаҳаб (олов отаси, дўзахга тушувчи) лақаби Қуръондаги 111 сура нозил бўлгандан кейин пайдо бўлди.



даъвосидан қайтишини ёки уни ўз ҳимоясидан чиқаришини талаб қила бошладилар. Аммо, Абу Лаҳаб ўз қароридан қайтмади. Қурайшийлар Пайғамбар (с.а.в.)дан марҳум Абд ал-Мутталиб қаерда эканини билдиришини талаб этганларида, бобосини дўзахда эканини айтган Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) Абу Лаҳабнинг сиёсий ҳимоясидан чиқди. Ўз уруғининг ҳимоясидан маҳрум бўлган Пайғамбар (с.а.в.) ўзи ва тарафдорлари учун хавфсиз ҳудуд излай бошлади. Унинг Тоиф шахрига бориши ижобий натижа бермай, аҳоли тошбўрон билан қарши олди. Шу ўринда профессор А.Ҳасановнинг фикри биз учун муҳимдир: “Ҳижозда гегемонликни сақлаш вазифаси маккаликлар учун фақат бадавийлар билан эмас, бошқа шаҳарлар билан ҳам дўстона алоқада бўлишни тақозо қиларди. Маккага энг яқин шаҳар – Тоиф – деярли йўлдош шаҳарга айланиб қолган, бу икки шаҳар араб адабиётида “Маккатон”, яъни икки Макка деган номни олганди”. Шунингдек, “Тоифда яшаган сақиф қабиласи қурайшнинг энг ишончли иттифокчиларидан эди” (Ҳасанов А. 1992:155).

## МУҲОКАМА

Бу борада Тоиф шахрининг диний ҳолатини ҳам ўрганиш ўринли. Тадқиқотчи Г.Э.фон Грюнбаумнинг фикрича, ал-лот санами Тоиф аҳли учун энг муқаддас ҳисобланган (фон Грюнбаум Г.Э., 1988).

Демак, Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)нинг Тоиф шахридан бошпана берилмаслиги учун сиёсий ва диний сабаблар етарли бўлган. Шунингдек, сақифийлар ўз иқтисодий ва сиёсий манфаатларини Маккадан қувилган Пайғамбар (с.а.в.) орқасидан поймол қилишни истамасликлари аниқ эди.

Тоифдан қайтган Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) Маккага ёлғиз киришга ботина олмади. Чунки, шаҳарга уни ўз ҳимоясига олувчи бирор нуфузли одамсиз кириш хавfli эди. У Хиро тоғида тўхтаб, ана шундай кимсани излай бошлади. Бир неча одамлар ундан юз ўгирдилар ва ниҳоят Мутъим ибн Адий уни ўз уруғи паноҳига олди. Мутъим ибн Адий бану Навфал уруғининг саййидларидан эди (Ибн Ҳишом. (1993:29). Бу воқеа пайғамбарликнинг ўнинчи йили зулкаъда ойининг 23 чисиди яъни, 619 йил 12 июлга тўғри келади (Большаков О.Г. 1989:83).

Шу ўринда Мутъимнинг Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)ни ҳимоя қилиш учун ўз фарзандларини қуроллантириб, Қурайш улуғларига очикдан-очик қарши чиқиб, Пайғамбар (с.а.в.)ни Каъба олдида намоз ўқишига ва сўнгра уни уйига кузатиб қўйиши масаласини кўриб чиқиш лозим. Ҳақиқатдан Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) Хиро ғорида туриб эътиборли уруғ бошлиқларидан ал-Ахнас ибн Шарик ва Сухайл ибн Амрга уни ўз ҳимоясига олишни сўраб одам юборган. Аммо, улар рад жавобини берганлар (Ибн Ҳишом. 1993:32). Фикримизча, Мутъимнинг бу ҳимояга розилик бергани аввало, уни қурайшнинг бану Манофдан бўлгани, иккинчидан эса, бу воқеадан аввалроқ қурайш зодагонлари томонидан Бану Ҳошимга қарши тузилган иттифок қурайш ва бошқа ташқи қабилаларнинг кўплаб уруғлари томонидан танқидга учраб, бузилган эди. Шу сабабли Мутъим ҳеч иккиланмай Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)ни ўз ҳимоясига олган.

Бану Навфалнинг ҳимоясига ўтган Пайғамбар (с.а.в.) бир ойдан кейин ҳажга келганларга ислом дини тўғрисида даъват қила бошлади. Бир йилдан кейин Ясриб шахридан келган ҳожилар ушбу динга нисбатан кизиқишларини изҳор қилдилар ва ислом тарихида “Ақаба байъати”<sup>7</sup> атамаси пайдо бўлди. Кейинги йили Ясрибдан анча кўпайиб келган ҳожилар Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)ни Ясрибга таклиф қилдилар.

Демак, Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)нинг Маккада ўз диний фаолиятини олиб бора олмаганига асосий сабаб, қурайш зодагонлари Маккада ўз гегемонликларини сақлаб қолиш учун кураш олиб борганликлари асосида бўлди. Бунинг замирида асосий эътибор Маккада кенг ёйилган васанийлик (кўпхудолик) ғоясини сақлаш қолишга қаратилган бўлмай, асосий эътибор қурайшнинг Арабистон яримролида ўз гегемонлигини сақлаб қолишга қаратилди. Макка зодагонлари Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)ни диний раҳнамо эмас, сиёсий рақиб сифатида қабул қилдилар. Хулоса қилиб айтганда, Макка шаҳар-давлати учун иккинчи раҳбарни пайдо бўлиши қурайшийлар учун сиёсий таназзул муқаррар бўлишини англадилар. Шунинг ҳолатда Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) ўзи туғилиб ўсган Маккадан бошқа шаҳарга чиқиб кетишга мажбур бўлди. Маккадан тахминан 350-400 км. шимолда Мадина шаҳри жойлашган.

<sup>7</sup> Макка ва Мино ўртасидаги тепалик номи.

Птолемей ўзининг “География”сида бу шаҳарни “Ятриппа”, Византиялик Стефан эса “Ятриппа полис” (шаҳар-давлат) деб атаган (Ҳасанов А. 1992:161–162) . Мадина шаҳри “Ясриб” номи билан Қуръонда ҳам зикр қилинади<sup>8</sup>. Қуръонда учрайдиган шаҳарнинг янги “ал-Мадина” номи хижратдан сўнг пайдо бўлди.

Ясриб тарихи ҳам шу хижратдан тахминан бир аср олдин, яъни VI аср бошларида ишончли тус олди, дейиш мумкин. Бу пайтда Ясриб бир неча қишлоқларга бўлингани ҳақида маълумотлар бор. Ҳар бир қишлоқ ўз навбатида яна икки қисмга бўлиниб, биринчиси – у ёки бу уруғга қарашли ерлар ва уйларни ўз ичига олган бўлса, иккинчиси – утм (кўплиги отом) деб аталган, девор ва дарвозалари бор қўрғондан иборат эди. Катта уруғлар бир неча утмга эга бўлишлари мумкин эди. Ташки ҳужум хавфи туғилганда ёки уруғ эркалари урушга кетганларида аёллар, ёш болалар ва қариялар утмга беркинардилар. Бундан ташқари уруғнинг ғалласи, қурол-яроғ ва қимматбаҳо буюмлари ҳам утмларда сақланарди. Ўз утмига эга бўлмаган, очиқ маҳаллада яшайдиган майда уруғлар ҳам йўқ эмасди. Аммо бундай уруғлар ҳам албатта бошқа йирик уруғнинг ҳомийлигида бўлмоғи зарур эди (Ҳасанов А., 1992:162).

Ясриб аҳолиси асосан яҳудийлар ва араблардан иборат эди. Яҳудийлар катта-катта гуруҳ бўлиб яшардилар. Ҳар бири икки мингдан ортиқ одамга эга бўлган учта яҳудий қабиласи маълум: қайнуко, назир, қурайза. Араб адабиётида бундан ташқари 20 дан ортиқ майда ва нисбатан йирик яҳудий уруғлари номи келтирилади (Ҳасанов А. 1992:162). Араб қабиалари эса 2 та қабилаи ташкил қиларди: бану Авс ва бану Хазраж. Авс ва Хазраж қабиалари ўз навбатида 5 тадан йирик ва бир қанча майда уруғларга бўлиниб, уларнинг умумий сони 40 тадан ортиб кетганди. Бундан ташқари Ясриб атрофларида Авс ва Хазраж билан ҳомийлик асосида боғлиқ бўлган бир қанча майда араб уруғлари яшаган (Ҳасанов А., 1992:164).

Кўп сабабларга кўра ва уларнинг ичида энг муҳими – аҳолиси яккаю-ягона этник унсурдан таркиб топгани туфайли Макканинг идораси исломдан олдинги 2 аср давомида барқарор шаклда бўлган бўлса, Ясрибда, аксинча, бундай амри-маҳол нарса эди. Бир қабила қўлида ҳосилдор ерларнинг тўпланиб қолиши, қолаверса,

<sup>8</sup> Қуръон қарим. 33:13.

<sup>9</sup> Мадина ар-Росул – مدينة الرسول Пайғамбар шаҳри

этниқ-диний қарама-қаршиликлар доимо низо чиқишини тақозо қиларди.

Модомики, Ясрибда яҳудий ва араб қабиалари тарихан олдинма-кейин пайдо бўлган экан, уларнинг ўзаро муносабатлари ҳам ҳар хил босқичларда ўтади. Булар, биринчидан, яҳудларнинг ўзаро муносабатлари, иккинчидан, яҳудлар ва араблар муносабати ва ниҳоят, учинчидан, икки араб қабиласи – Авс ва Хазраж ўртасидаги муносабатлар (Ҳасанов А., 1992:165-166).

Хазраж қабиласининг баъзи уруғлари Шомга кўчиб кетган ва ғассонийлар ерида яшардилар. V аср охирида ана шу уруғларнинг мадади билан Авс ва Хазраж қабиалари Ясрибда устунликка эришдилар. Ясриб араблари ва яҳудийлари ўртасидаги низолар диний ёки сиёсий тусга эга бўлмаган. Бу кураш маҳаллий характерга эга бўлиб, асосан, ер ва сувга эга бўлиш учун олиб борилганди. VI аср бошларида Ясриб араблари ҳам ўзаро келишолмай қолдилар. Деярли 120 йил давом этган бу низода баъзи Яҳудий қабиалари Авс тарафида турган бўлсалар, бошқалари Хазраж тарафини олдилар (Ҳасанов А. 1992:168).

Кўриниб турибдики, Ясриб шаҳри зиддиятлар ва ихтилофлар билан тўла эди. “Буос” куни ҳар иккала томон жуда катта зарар кўрди: аҳолининг юқори табақаларидан кўплаб киши қатл этилди; ёнгин ва талон-тарож натижасида уйлар ва хусусий мулклар вайрон бўлди. Бетараф мавқеда бўлган кичик уруғлар низолардан манфаатдор эмасди. Умуман, “Буос” кунидан сўнг кўпчилик ясрибликлар тинчликка, иттифоққа майл билдира бошладилар. Хазраж қабиласидан бир нуфузли кишини шаҳарнинг умумий ҳокими сифатида тан олиш масаласида ҳамма қабила ва уруғ вакиллари орасида музокара ҳам кетарди (Ҳасанов А. 1992:168). Шундай вазиятда Ясрибга Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) бошчилигида мусулмонларнинг хижрати (622 йил) юз берди.

Ҳунармандчилик жиҳатидан Ясриб Маккадан устун эди. Агар шаҳардаги ички аҳвол барқарорроқ бўлганда, Ясриб умуман Ҳижозда ҳукмронликка эришиши мумкин эди. Шаҳар аҳли буни тушуниб етган, кўринади. Ички низоларни бартараф қилишга кодир шахс, яъни “ҳакам” Ясриб аҳолиси ичидан чиқмагач, улар ташқаридан бундай шахснинг келишига ва шаҳар тақдирини ўз қўлига олишига рози бўлдилар (Ҳасанов А. 1992:173).

622 йили Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)нинг ҳижратида сўнг у ердаги мавжуд сиёсий, диний ва этник қарашлари турлича бўлган араб ва яҳудий қабилалари билан бир қаторда фаолият олиб бордилар. Мадина шаҳри янги ташкил топаётган ислом давлати учун пойтахт вазифасини ўтай бошлади. Араб, яҳудий, исломни қабул қилган мадиналиклар ва муҳожирлар ўртасида ягона иттифоқ “*ҳилф*”нинг тузилиши бевосита Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) ғояси амалга ошди. Айни шу шартнома орқали Мадинадаги мазкур қабилаларни этник бирлик “умма” сифатида бошқарди. Шартномага асосан Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) ва Мадинадаги араб қабилаларига муҳолифатда бўлишни истоган яҳудий қабилаларини пойтахтдан ҳайдаб чиқарди. Макка фатҳидан сўнг ҳам Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) ансорларга берган ваъдаси сабабли Мадинага қайтиб келди. Пайғамбар (с.а.в.) вафотидан кейин Мадинадаги ўз хонадонига дафн қилинди.

Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)га биринчи ўринбосар бўлиб сайланган халифа Абу Бакр ҳам давлат пойтахтини Мадинада сақлаб қолди. Мадина ҳукмронлигига бўйсуннишни истамаган ташқи қабилаларнинг диний-сиёсий (“Ридда”) ҳаракатига барҳам берди. Пайғамбарлик иддаоси билан чиққан мутанаббийлардан Мадинани ҳимоя қилди.

Халифа Умар ибн Хаттоб раҳбарлиги даврида ислом дини Арабистон ярим оролидан ташқарига чиқди. Арабистон ташқарисидан янги ҳарбий шаҳарчалар қурилди ва кўплаб ҳудудлар истило этилди. Аммо, табиий, ободонлиги ва шарт-шароити жиҳатидан Мадинадан анча устун бўлган, қадимий тамаддун марказлари бўлмиш Византия, Миср ва Эрон салтанатларига тегишли бўлган шаҳарларидан бирига пойтахтни кўчиришни истамади. Аксинча, Мадина шаҳрини ташқи анъаналар андозаси асосида масжид ва мадрасалар қурдириб, кўчалар кенгайтирилди.

Халифа Усмон ибн Аффон даврида Мадина шаҳрини ободонлиги ва янги иншоотлар қурилиши анча жадаллашди. Масжид ва мадрасаларни безаш анъана тусига кирди. Шунингдек, шаҳарнинг ташқи кўриниши, архитектура ва дизайн ташқи анъаналар билан бойиди. Юнон, форс ва қибтий архитектор, қурувчилар келиб шаҳар қурилиши, масжид ва мадрасаларни янгича тус бера бошладилар.

656 йили Усмон ибн Аффонни ўлдирган кўзғолончилар томонидан Али ибн Абу Толибни давлат раҳбарлигига зўрлаб сайланиши, халифалик пойтахти бўлган Мадина шаҳрида беқарорликнинг бошланишига олиб келди. Олдинги халифалар даврида Мадина ҳукмронлигига бўйсунган маъмурий бўлинмалар халифа Алининг раҳбарлигини тан олмадилар. Дамашк, Макка, Миср, Басра вилоят ва шаҳарлари аҳолисига байъат бермадилар. Натижада Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) ва илк халифалар томонидан ташкил этилган Марказлашган давлат бир неча қисмларга бўлиниш жараёнини бошидан кечири бошлади.

Халифа Али ибн Абу Толибни ўз халифалиги марказини Мадинадан Куфага кўчириши масаласи ҳозиргача ўз муаммолигича қолмоқда. Манбаларда Али ибн Абу Толибни Мадина шаҳарини ташлаб чиқиб кетишига халифа Усмон ибн Аффонни ўлимида манфаатдор кимсалар, деб ҳисобловчилар ҳам мавжуд (Акрам Дийо’ ал-‘Умарий. 1998:423).

Шунингдек, Мадинада юзага келган хунрезликлари учун жавоб бериши керак бўлган кўзғолончи кимсаларни Мадинадаги саҳобалар ва тинч аҳолини осойишталигини сақлаш учун уларни шаҳардан олиб чиқиб кетишга мажбур бўлган, деган фикрлар ҳам учрайди (Айдын Ализаде., 2004:73).

Халифа Алини Мадинадан чиқиб кетиши борасида турли фикрларнинг мавжудлиги табиий албатта. Чунки, илк пайдо бўлган турли диний фирқа ва оқимлар айнан Али ибн Абу Толиб шахси билан боғлиқ. Унинг Мадинадан чиқиб кетишга асосий сабаб Али ибн Абу Толибнинг халифалигини тан олмаган Дамашк волийси Муовия ибн Абу Суфён ҳамда Басрадаги Оиша, Талха ва Зубайрни жазолаш учун Куфага кўчган, деган фикрлар ҳам мавжуд (Ҳасан Иброҳим Ҳасан, 1996:218–219).

Тадқиқот олиб бориш жараёнида манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, Али ибн Абу Толибнинг Мадинадан чиқиб кетишига юқорида кўрсатилган фактлар асосий сабаб бўлган бўлиши мумкин. Чунки, манбаларда ва кейинги тадқиқотларда баён этилган халифа Усмон ибн Аффонни ўлими билан боғлиқ Мадинадаги хунрезликлар Мадинада ички тартибсизликларни келтириб чиқаргани аниқ. Кўзғолончилар томонидан Мадина аҳлини гаровга олиниши ва уларни қўйиб юбориш учун қўйилган шартларни



бажаришга янги тайинланган халифа бажаришга мажбур бўлган. Али ибн Абу Толибдан кўзғолончилар баъзи волийларни ўзгартиришни талаб қилдилар. Халифа Али Басрага Усмон ибн Хунайфни, Яманга Убайдуллоҳ ибн Аббосни, Мисрга Қайс ибн Саъдни, Маккага Холид ибн Ос ибн Ҳишомни волий этиб тайинлади (Айдын Али-заде., 2004:74). Али ибн Абу Толибнинг халифалигига мухолифатнинг кўп бўлишига қарамай унинг давлат раҳбарлиги шариат бўйича қонуний эди. Чунки, унга Муҳаммад пайғамбарнинг кўплаб саҳобалари байъат этгандилар. Янги тайинланган халифага Шом ўлкаси волийси Мовия ибн Абу Суфён ҳам бўйсунмади. Халифа Али томонидан юборилган Саҳл ибн Хунайфни шаҳарга киргизмадилар (Айдын Али-заде., 2004:74).

О.Г.Большаковнинг келтиришича, халифаликка тайинланган Алининг олдида саҳобалар келиб, ундан Усмон ибн Аффоннинг қотилларини шариат аҳкомлари бўйича жазолашни талаб қилганларида, у “Сизлар билган нарсани мен ҳам биламан. Нима ҳам қила олардим, ахир, улар бизнинг устимизда ҳукм юргизмоқдалар-ку, биз уларни устидан эмас. Улар (кўзғолончилар) билан бирга сизларнинг қулларингиз ҳам бош кўтардилар ва бадавийлар эса уларга қўшилдилар. Улар сизнинг орангизда ва қандай хоҳласалар шундай сизларни хафа қилмоқдалар. Шундай пайтда бу ҳолатдан қандай чиқиб кетишни биласизларми?” деган. (Большаков О., 1989:20).

Юқоридаги далиллардан кўриниб турибдики, турли фикрлар бир-бирини ўрини тўлдириб келмоқда. Демак, Али ибн Абу Толибнинг Куфага пойтахтни кўчиришига юқоридаги барча далиллар туртки бўлган. Биринчидан, Али ибн Абу Толиб кўзғолончиларнинг талаби билан халифа бўлишга рози бўлди. Натижада, Мадинанинг ичи ва ташқарисидаги вилоятларда унга нисбатан халифа Усмон ибн Аффоннинг қотилларини жазоламаганликда айбланди. Иккинчидан, халифа Умар ибн Хаттоб даврида Дамашққа волий этиб тайинланган Муовия ибн Абу Суфён, Маккага ҳажга келган бошқа саҳобалар қатори Талҳа, Зубайр ва Пайғамбар аёлларидан Оиша билан музокара олиб бориш учун Басрага йўл олган. Натижада, Али ва Муовия билан “Сиффин”, Талҳа, Зубайр ва Оиша билан “Жамал” жанглари бўлиб ўтди. Учунчидан, Басрага Мадинадаги кўплаб кўзғолончилар Али билан бирга кетдилар. Натижада, Мадинада яна осойишталик ҳукм сурди. Бош кўтарган қуллар ва бадавийлар ўз ҳолатларига қайтдилар.

Ҳакамлар суди натижасига кўра Мувоияни ҳақиқий халифа, деб эълон этилиши оқибатида Али тарафдорларининг кўпгина қисми ажраб чиқиб кетди. Бу ислом тарихида “Хорижийлар” илк сиёсий партияси вужудга келди. Улар Нахравон<sup>10</sup> шаҳрини ўзларига пойтахт этдилар. Ўзларига Абдуллоҳ ибн Ваҳб Росибий (ваф. 658 й.)ни халифа этиб тайинладилар (Акрам Зийо Умарий, 1998:483). Аммо, улар тузган давлат узоққа чўзилмади. Али билан хорижийлар раҳбари ўртасидаги жангда Абдуллоҳ ибн Ваҳб ўлдирилди. Унинг тарафдорлари халифаликнинг турли ҳудудларига тарқалиб кетдилар.

Дамашқда ўзини халифа, деб эълон этган Муовия ибн Абу Суфён, Куфада халифа Али алоҳида ҳудудларни бошқара бошладилар. Али ибн Абу Толибни хорижий Ибн Мулжам томонидан ўлдирилгандан кейин ўрнига унинг ўғли Ҳасан ибн Али (624–670 йиллар) ўтирди. 661 йили Ҳасан ибн Алининг Куфа аҳлини Муовия ибн Абу Суфёнга байъат этишга кўндириши, унинг бобоси Муҳаммад пайғамбарнинг “Менинг мана бу ўғлим (набирам) саййиддур. Шояд Аллоҳ таоло унинг воситаси ила мусулмонларнинг икки гуруҳини яраштира” (Ҳасанов А., 1992), деган башоратини рўйёбга чиқарди.

661 йилдан Марказлашган араб-мусулмон давлатини бошқариш умавийлар сулоласига ўтди. Муовия Мадина “қарияларининг” зерикарли ҳаётини Дамашқдаги замонавий турмушга алмаштирди. Натижада умавийлар хонадони учун пойтахтни Дамашқ шаҳри ўтай бошлади.

680 йили Карбало фожеаси туфайли Маккада Абдулло ибн Зубайр Макка, Мадина умавийлар назоратидан чиқарди. Шунингдек, халифалик таркибидаги Куфа, Басра, Яман ва Хуросон аҳолиси ҳам Абдуллоҳ ибн Зубайрга хайрихоҳ бўлдилар. Шунини таъкидлаш керакки, шу даврда Дамашқда умавийлар, ҳижозда эса Абдуллоҳ ибн Зубайр ўз ҳукмронлигига эга бўлдилар.

Карбало фожеасидан бошлаб (680 йил), Абдуллоҳ ибн Зубайрни ўлими (692 йил) билан боғлиқ даврни бежизга Ислом тарихидаги биринчи фитна ёки фуқаролар уруши, деб аталмайди.

Абдуллоҳ ибн Зубайрни ўлими билан боғлиқ воқеа Ислом оламидаги биринчи фитнага яқун ясади. Натижада ҳукмронлик яна ягона ҳокимият, умавийлар сулоласи қўлига ўтди. Том маънода Абдулмалик ибн Марвонни (692-705 йиллар) умавийлар давлатининг иккинчи асосчиси дейиш ўринли бўлади.

<sup>10</sup> Нахравон – Боғдод яқинидаги шаҳар.

Ички ва ташқи ихтилофлар сабаб умавийлар сулоласининг диний, сиёсий мавқеи халифалик таркибига кирган хуудларда анча сусая бошлади. Қурайш қабиласининг бану Ҳошим уруғи вакилларида Муҳаммад пайғамбарнинг амакиси Аббос авлодлари бу ҳолатдан унумли фойдаланиб қолишни мақсад килдилар. Улар умавийларни ноқонуний халифа ҳисоблаб, ҳақиқий имомлик Пайғамбар авлодларига тегишли деган шиор билан ҳаракат бошладилар. Улар бу ҳаракатга асли эронлик форсий Абу Муслим Хуросоний (в. 755 й.)ни бошлиқ этиб тайинладилар. Абу Муслим 748 йили бўлиб ўтган Хуросон ва Мовароуннаҳрда умавийлар ҳукуматига қарши бир неча кўзғолонлар уюштирди. Аммо, аббосийларнинг ўзлари ушбу ҳаракатларни четдан туриб кузатдилар.

749 йили кўзғолончилар Куфа шаҳрини қўлга олганларидан кейин Абу Аббос Саффоҳ (722–754) ни халифа этиб тайинладилар. Ҳошимийлар хонадонига таълуқли бўлган янги халифаликнинг биринчи вакили Саффоҳ ўз уйини Куфа шаҳрида қолдирди. Лекин, шаҳар яқинидаги ал-Анбор<sup>11</sup> вилоятига қароргоҳини янгидан қуришга киришди. Ушбу қароргоҳга “Ҳошимия” номини берди (Muir W., 1924:394). Саффоҳнинг вафотидан кейин тахтга унинг укаси Абу Жаъфар (136/754–158/775) ўтирди. Куфа аҳолисига ишонч йўқлиги ва араблар, форсийлар, шиалар ҳамда хорижийларнинг ҳукуматга бўйсунмаслиги давлатда беқарорликнинг давомийлигини таъминларди. Шунинг учун халифа Мансур Куфадан пойтахтни кўчириш масаласини диққат марказига қўйди. У сосонийлар давлати пойтахти бўлган Мадоин (Ктесифон) шаҳри ўрнида янги шаҳар қуришни режалаштирди. Шаҳар беш йил (758–762) мобайнида қад кўтарди (Рыжов К., нашр йили кўрсатилмаган:12). Бу шаҳар аввалига “Мансурия”, кейинчалик, “ал-Мадина ал-мудаввара (айлана шаҳар)”, деб номланди. Шаҳар қуриб битказилгач, халифа уни “Мадина ас-салом (тинчлик шаҳри)”, деб атади. Шаҳарнинг ҳозирги кунгача сақланиб қолган номи Бағдод қадимги форс тилидан олиниб, “Яратганнинг инъоми”, деган маънони англатади<sup>12</sup>.

Халифа Ҳорун Рашиднинг ўғли Мўътасим Биллоҳ (218/834–227/843) тахтга ўтиргандан кейин давлат пойтахтини Бағдоддан кўчиришни

истади. У Дажла дарёсининг чап қирғоғида Бағдоддан 100 км<sup>13</sup>. шимолда жойлашган хуудда янги қароргоҳ қурдира бошлади. 836 йили шаҳар битиб халифа унга кўчиб ўтди (Айдын Ализаде., 2004:164–165). Унга Сомарро (سوماروس – кўзни қувонтирувчи, аниги عىر نىم رىس – кўрган қувонади) номини берди.

Таджикотларда Мўътасимни давлат пойтахтини Бағдоддан Сомаррога кўчиришининг сабаби тўғрисида турли фикрлар мавжуд. Масалан, таджикотчи К.Рыжовнинг фикрича, халифага нотинч ва аҳолиси ниҳоятда кўп Бағдод шаҳри ёқмасди. Шунинг учун у пойтахтни кўчирган (Рыжов К., нашр йили кўрсатилмаган:18). Аммо, имом Суютийнинг фикрича, Мўътасим муътазиллийлар фирқаси таъсиридаги “михна” кампаниясида жуда кўп уламолар билан бирга Аҳмад ибн Ханбал ҳам таъйиқ остига олинган эди (Жалалиддин Суютий, 2006:213). Бу давлат ичкарасидаги муаммонинг диний тарафи бўлса, муаммонинг ҳарбий томони бор эди. Мўътасим давлат армияси таркибидаги форсий аскарларни туркларга алмаштирган. Уларнинг сони 70 мингга етган. Халифага бир неча бор аҳоли арз қилган (Рыжов К., нашр йили кўрсатилмаган:18). Таджикотчи Р.Мьюирнинг фикрича, Бағдодга йилига минглаб “мамлуклар” келтирилди, уларнинг баъзилари халифанинг тансоқчилари ва қолганлари аскарликка олинган. Улар асосан Туркистон ўлкаларидан келтирилган (Muir W., 1924:474). Халифа Сомарро шаҳрига ўз тансоқчилари ва аскарларни олиб кетганда Бағдод аҳолиси хурсанд бўлиб: “Ким уни турклар билан кўрса, энди уларнинг Бағдодда йўқликларини кўриб хурсанд бўлади”, дер эдилар (Muir W., 1924:474).

## НАТИЖА

Демак, Мўътасимнинг халифалик марказини ўзгартиришида Бағдодда юзага келган диний, ҳарбий ва сиёсий муаммолар сабаб бўлган. Шунингдек, Самарра шаҳри марказида 175 гектар майдон халифа қароргоҳи учун ажратилган. Шаҳарнинг баланд кўрғонлар билан ўралгани, халифалик таркибидаги армиянинг асосий миқдори шу шаҳарга жойлаштирилишини ҳисобга олинса, халифа Бағдод шаҳрида кўтариллиши кутилган халқ кўзғолонидан хавфсизрагани аниқ.

<sup>13</sup> Таджикотчи Т.Ю.Ирмияевнинг фикрича, 120 км (История мусульманского мира от халифата до блистательной порты. Пермь: Звезда, 2000. – Б. 47(Бундан кейин: Ирмияева).

<sup>11</sup> Ироқдаги Фурот дарёси ёқасидаги вилоят. 674 йили Холид ибн Валид томонидан истило этилган.

<sup>12</sup> <http://ru.wikipedia.org/wiki/Багдад>.



Манба ва тадқиқотларда ислом динини Европага кириб келиши алоҳида масала ҳисобланади. Арабларнинг Европани забт қилиши Испаниядан бошланди. Аббосийлар даврида умавийлар оиласи вакиллари қатағон қилиш давом этди. Умавийлар сулоласининг сўнгги вакили Абд ар-Раҳмон Дохил (113/731-172/788) Дамашқдан дарёни сузиб ўтиб, катта қийинчиликлар билан Африкага етиб борди. У ердан Испаниядаги умавийлар томонидан қўйилган волийлар ёрдамида Куртуба ерларига етиб олди. Ярим орол аббосийларга қарши бўлиб, у ердаги арабларнинг деярли барчаси Дамашқлик эди. Шунинг учун улар умавийлар сулоласининг вакилини очиқ кутиб олдилар. Испаниядаги хорижийлар халифани ўзларидан бўлишини кутардилар, лекин аббосийлар томонидан кучли таъкибга учраганликлари учун Абду ар-Раҳмонга қаршилик кўрсата олмадилар (Muir W., 1924:418). Аббосийлар Испанияни Бағдод ҳукмига бўйсундиришга бир неча бор ҳаракат қилдилар, аммо, уларнинг бу уринишлари бесамар кетди.

Натижада Европада Куртуба халифалиги вужудга келди. Бу халифаликни умавийлар оиласи вакили Абд ар-Раҳмон I Дохил (731-788) бошқарди (Айдын Али-заде., 2004:233). Бу халифалик ташқарида бўлаётган бефойда урушлардан холи ҳудудга айланди.

Маълумки, шиалик ислом дининг асосий оқимларидан бири. Бу оқим Муҳаммад пайғамбарнинг куёви ва жияни Али ибн Абу Толиб шахси билан боғлиқ. Пайғамбар вафотидан кейин халифаликка сайланган Абу Бакрга Али олти ой, яъни хотини Фотиманинг вафотига қадар байъат бермаган. Бундан Али ибн Абу Толибни халифаликка бошқалардан кўра ҳақлироқ деб ҳисобловчи гуруҳ мавжуд эди. Кейинчалик Усмон ибн Аффоннинг ўлиmidан кейин ушбу гуруҳ очикчасига сиёсий майдонга чиқди. Умавийлар даврида Али ибн Абу Толибнинг иккинчи ўғли Хусайн ибн Алининг 680 йили (Айдын Али-заде., 2004:84–85) халифаликка сайланган Язид ибн Муовия томонидан Карбалода ўлдирилгандан кейин шиалар суннийларга қарши сиёсий кучга айланди. Шиалар давлат бошқаруви фақат Пайғамбар авлодлари яъни Фотима ва Али авлодлари кўлида бўлишини талаб қилардилар. Айнан ушбу гуруҳ ёрдамида аббосийлар давлат тепасига келдилар. Аммо, аббосийлар уларга қатағон билан жавоб бердилар.

Шиаларнинг исмоилийлар мазҳаби вакили Убайдуллоҳ 909 йили кўзғолон қилиб, Иффри-

қияни<sup>14</sup> Бағдод ҳукмидан чиқарди. У ўзини Маҳдий, яъни исмоилийларнинг кутилаётган имоми деб танитди ва Иффрикия маркази Қайрувон<sup>15</sup> шахрининг жанубий-шарқида Маҳдия шахри қурдирди. Натижада шу йилдан Дунё сиёсий харитасида яна битта диний бошқарувга асосланган давлат Фотимийлар салтанати пайдо бўлди. Мазкур сулола 909 йилдан 972 йилгача Тунисда 969 йилдан 1171 йилгача Мисрда ҳукмронлик қилдилар.

Маълумки, ислом дини Миср ҳудудига халифа Умар ибн Хаттоб даврида кириб келган. 640 йили халифа томонидан қўйилган волий Амр ибн Ос Мисрда Фустот шахрини қурган. 969 йили Фотимийлар сулоласи Фустот шахри<sup>16</sup> яқинида “المدينة القاهرة” Қоҳира (ғалаба қилувчи) шахрини бунёд этдилар. Фотимийлар сулоласи вакили Муиз Лидинуллоҳ даврида Қоҳира шахрини ўзларига пойтахт этиб танладилар.

Шунингдек, Қоҳира тулунийлар (256/871 – 292/905), ихшидийлар (321/933 – 357/968), аййубийлар (564/1170 – 648/1250), мамлуклар (648/1250 – 922/1517) давлатлари учун пойтахт вазифасини ўтади.

## ХУЛОСА

Юқоридаги давлатларнинг номланиши ва давлат тизими ҳақида манба ва адабиётларда етарли маълумотлар мавжуд. Аммо, ушбу давлатлар ўзларининг ҳукмронликларини ислом дини қонунларига мос равишда бошқарганлар, яъни давлат бошқарувида сакрал тусни сақлаш ва теократик тамойилнинг сифатини оширишга уринганлар. Лекин бу давлатлар асосчиларининг аксарияти султонлар, амирлар ва подшоҳлар бўлганликлари буни аксини кўрсатади. Демак юқоридаги ҳудудларнинг давлат бошқаруви соф дунёвий тамойиллар асосида кечган. Ҳар бир сулола вакиллари давлат бошқарувида муқаддас анъаналарни сақлаб қолиш учун сулолаларини Муҳаммад пайғамбар оиласига таълуқли қилишга уриндилар. Шунинг учун араб-мусулмон ҳукмронлигида яшаган аҳоли суннийлар, шиалар,

<sup>14</sup> Ҳозирги Тунис шахри

<sup>15</sup> القيروان — Ағлабийлар сулоласи пойтахти 670 йили Уқба бин Нофиъ қурдирган шаҳар. Ҳозирги Тунис давлати ҳудудида жойлашган (ал-Мунжид. – Б. 559; <http://tu.wikipedia.org/wiki/Кайруан>).

<sup>16</sup> Фустот шахри ҳозиргача сақланиб қолган ва уни “Қадимги Қоҳира”, деб аталади.

хорижийлар таъсирига тушишга мажбур бўлдилар.

Ислом дини учун мўътабар ҳисобланган шаҳарлар Макка ва Мадина жуда кўп бошқарувлар таъсирига тушди. Аммо, улар ҳар бир халифа, амир ва султон учун муқаддас шаҳарлар сифатида ўзининг улуғворлиги ва муқаддаслигини йўқотмади.

Муҳаммад пайғамбар томонидан асос солинган Мадина давлатида халифалар Абу Бакр, Умар ибн ал-Хаттоб, Усмон ибн Аффон ўз раҳбарликларининг пойтахтини Мадина шаҳрида сақлаб қолдилар. Мадинада бошланган беқарорликлар 656 йили халифаликка янги сайланган Али ибн Абу Толибни Куфа шаҳрига кўчишга мажбур қилди.

Муовия ибн Абу Суфён халифалик тахтига ўтиргандан кейин, давлат маркази Мадинадан Дамашққа кўчди.

Давлат тепасига келган аббосийлар ҳам ўз ҳукмронликлари учун аввалига Куфа шаҳри билан кифояландилар. Куфа торлик қилгач, Бағдод шаҳрини, кейинчалик Самарани қурдилар.

Халифа Умар ибн Хаттоб даврида Мадина ҳукмронлиги остига олинган Мисрда чодирлар шаҳри “Фустот” аскарлар учун ҳарбий лагер сифатида қурилди. Ўз тарафдорларини Мисрдан излаган фотимийлар Фустот яқинида Қоҳира шаҳрига асос солдилар.

Умумий ҳулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, тарихда қадимги цивилизация марказларига йирик шахслар томонидан асос солинган ва ривожлантирилган. Тадқиқот объектига олинган давр мобайнида араб-мусулмон давлатчилиги айнан мана шу тамаддун марказлари билан мулоқотга киришди. Албатта, бу мулоқот ўз самарасини бериб, инсоният тарихида туб бурилиш ясади. Натижада жаҳонда янги ислом цивилизацияси вужудга келди.

Араб-мусулмон сулоалари кўп асрлар давомида ҳукмронлик қилганига қарамай жуда кўплаб шаҳарлар қурилди. Аммо, улардан саноклиларигина мазкур сулоалар учун пойтахт вазифасини ўтади ҳолос.

#### МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Куръони карим.
2. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. (1997). ал-Жомий ас-саҳиҳ. Ж. 4. Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, .
3. Ибн Ҳишом. (1993). ас-Сира ан-набавийа. Ж. 4. Байрут.

4. Жалалиддин Суютий. (2006). Тарих ал-хулафаа. Байрут: Даар ал-кутуб ал-илмиййа.
5. Муҳаммад ибн Аҳмад аз-Заҳабий. (1987). Та’рих ал-ислом. ‘Аҳд ал-хулафо’ ар-рошидин. Байрут: Дор ал-китоб ал-ҳадис.
6. Сафиурраҳмон Муборакфурий. (2020). Ар-Роҳикул махтум / тарж. Файзулло Лутфулло ўғли. Тошкент: Sharq.
7. Ҳасанов А. (1992). Макка ва Мадина тарихи. Тошкент: Мехнат.
8. Ҳасанов А. (2001). Қадимги Арабистон ва илк ислом: I китоб. Жоҳилия асри. Тошкент: Тошкент ислом университети.
9. Айдын Али-заде. (2004). Хроника мусулманских государств I-VII веков хиджры. Москва: Умма.
10. Большаков О.Г. (1989). История Халифата: в 4 томах. Москва: ГРВЛ, 1989, 1993, 1998, 2010.
11. Большаков О.Г. (1993). История Халифата: в 4 томах. Москва: ГРВЛ,
12. Большаков О.Г. (1998). История Халифата: в 4 томах. Москва: ГРВЛ,
13. Большаков О.Г. (2010). История Халифата: в 4 томах. Москва: ГРВЛ,
14. Уотт У.М. (2006). Мухаммед в Мекке / Пер. с англ. СПб.: “Издательство “ДИЛЯ”.
15. фон Грюнебаум Г.Э. (1988). Классический ислам. Очерк истории (600–1258) / Пер. с англ. И.М.Дижуря. Москва: ГРВЛ.
16. Ирмияева Т. Ю. (2000). История мусульманского мира от халифата до блистательной порты. Пермь: Звезда.
17. Рыжов К. Все монархи мира. Мусульманский Восток. XV-XX вв.
18. Акрам Дийо’ ал-‘Умарий. (1998). Ас-Сийра ан-Набавиййа ас-саҳиҳа. ар-Рийод.
19. Ҳасан Иброҳим Ҳасан. (1996). Та’рих ал-ислом ас-сийосий ва-д-диний ва-с-сақофий ва-л-ижтимо’ий: Ж. 4. Байрут.
20. Muir W. (1924). The Caliphate. Oxford.
21. <http://ru.wikipedia.org/wiki/Багдад>.

#### REFERENCES

1. The Quran.
2. Abu Abdullah Muhammad ibn Ismail al-Bukhari. (1997). al-Jami' as-sahih. Vol. 4. Tashkent: Qomuslar bosh tahririyati.
3. Ibn Hisham. (1993). as-Sira an-Nabawiyya. Vol. 4. Beirut.
4. Jalaliddin al-Suyuti. (2006). Tarikh al-khulafa. Beirut: Dar al-kutub al-ilmiyya.
5. Muhammad ibn Ahmad al-Dhahabi. (1987). Tarikh al-Islam. Ahd al-khulafa ar-rashidin. Beirut: Dar al-kitab al-hadith.
6. Safiyurrahman Mubarakfuri. (2020). Ar-Rahiquk makhtum / translated by Faizullah Lutfulla. Tashkent: Sharq.
7. Hasanov A. (1992). Makka va Madina tarikhi. Tashkent:

- Mehnat.
8. Hasanov A. (2001). Qadimgi Arabiston va ilk islom: Book I. Age of ignorance. Tashkent: Tashkent Islamic University.
  9. Aydyn Ali-zade. (2004). Chronika Musulmanskyh Gosudarstv I-VII vekov Hijri. Moscow: Umma.
  10. Bolshakov O.G. (1989). Istoriya khalifata: 4 volumes. Moscow: GRVL, 1989, 1993, 1998, 2010.
  11. Bolshakov O.G. (1989). Istoriya khalifata: 4 volumes. Moscow: GRVL,
  12. Bolshakov O.G. (1989). Istoriya khalifata: 4 volumes. Moscow: GRVL,
  13. Bolshakov O.G. (1989). Istoriya khalifata: 4 volumes. Moscow: GRVL,
  14. Watt U.M. (2006). Muhammad v Mekke / Per. English SPb: "Izdatelstvo DILYA".
  15. Von Grünebaum G.E. (1988). Classical Islam. Essay history (600–1258) / Per. English I.M. Dijura. - M.: GRVL.
  16. Irmiyayeva T. Yu. (2000). Istoriya musulmanskogo mira ot khalifata do blistatelnoy porty. Perm: Zvezda.
  17. Ryzhov K. Vse monarchi mira. Musulmansky Vostok. XV-XX vv.
  18. Akram Dhiya al-Umari. (1998). as-Sira an-Nabawiyya al-Sahihah. ar-Riyadh.
  19. Hasan Ibrahim Hasan. (1996). Tarikh al-Islam as-siyasi wad-dini wath-thaqafi wal-ijtima'i: Vol. 4. Beirut.
  20. Muir W. (1924). The Caliphate. Oxford.
  21. [http://ru.wikipedia.org/wiki/ Baghdad](http://ru.wikipedia.org/wiki/Baghdad).

